

## VII. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-сентябрь ойларида 5665,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 4114,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил этган.

### 2018 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>5665,5</b>	<b>104,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Йирик савдо корхоналари	458,5	102,7	8,1
Кичик корхона ва микрофирмалар	1092,0	105,4	19,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	4114,9	104,9	72,3

Жами чакана савдо айланмасидаги йирик корхоналар улуши 8,1 фоизни, кичик корхона ва микрофирмалар 19,3 фоизни, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар 72,6 фоизни ташкил этди.

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида)




**2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби**

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами</b>	<b>5665,5</b>	<b>104,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Йирик корхоналар	458,5	102,7	8,1
Кичик тадбиркорлик	5206,9	105,0	91,9
<i>шундан: уюшмаган савдо товар айланмаси</i>	<i>4114,9</i>	<i>104,9</i>	<i>72,3</i>


**Чакана савдо айланмаси таркиби**

(умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)

2017 йил  
январь–сентябрь



2018 йил  
январь–сентябрь



■ Йирик корхоналар

■ Кичик корхоналар ва якка тадбиркорлиқда

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 65,9 млрд.сўмга етди ёки 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 104,7 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 3,0 фоизга ошди ва 2090,7 минг сўмни ташкил этди 2018 йилнинг январь-сентябрда чакана савдо товар айланмаси 5665,5 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 458,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 1092,0 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизни ташкил этди. Умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 19,3 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 4114,9 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил этди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 72,3 фоизни ташкил этди.